

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 785-ҳадис

785 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَشْرَبَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ قَائِمًا، فَمَنْ نَسِيَ فَلْيَسْتَقِيءَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2026].

785. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз зинҳор тик туриб ичмасин. Ким унутган бўлса, қайт қилсин», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Аввалги учта ҳадисдан тик туриб ичимлик ичиш ва овқатланиш жоизлиги чиқмоқда. Аммо кейинги ҳадислардан тик туриб бирор ичимлик ичишнинг макруҳлиги, тик туриб овқатланиш эса унданда қаттиқ кароҳиятли экани чиқмоқда. Энди кимки тик туриб бирор нарса ичиб қўйса суннатга хилоф қилгани учун, нафсини жазолаш сифатида ичган нарсасини қайт қилиб юбориши маҳбуб амалдир. Албатта суннатга хилоф қилишни қасд этгандагина шундай қилади. Аммо мухолифликни қасд қилмаса ундай эмас.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

